



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Усмонов Ахроржон

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ-МОДДИЙ АҲВОЛИ (1930-1980 ЙИЛЛАР)

Аннотация: Мақолада Фарғона водийси аҳолисининг ижтимоий-моддий аҳволини 1930-1980 йилларда яъни иккинчи жаҳон урушидан кейинги ва совет даврининг тугашигача бўлган даврни ўз ичига олади, чунки бу давр ичида совет давридаги ижтимоий таъминотиغا доир асосий қонунлар қабул қилинган Бироқ, ижтимоий таъминоти соҳасидаги ўзгаришлар китобларда батафсил ёритилмаган. Ижтимоий соҳани тавсифлашда муаллифлар иш ҳақи (ўртача ва минимал), уй-жой ва таълимдаги ўзгаришларга кўпроқ эътибор берилган.

Таянч сўзлар: ногиронлар, пенционерлар, меҳнат қобилятини йўқотганлар, касаба уюшмаси, кўп болали оилалар, суғурта, имконияти чекланганлар, вақтинча иш қобилятини йўқотганлар.

Совет ҳокимияти йилларида ёзилган тарихга оид манбаларда 1920-30 йилларда Ўзбекистон меҳнаткашларининг моддий аҳволи «тубдан яхшиланиб борган»лиги баландпарвоз, қуруқ ва ёлғон рақам ва ифодаларда ёритилди, чунки бор гапни, тўғри ҳақиқатни ёзиш ман этилган эди. Бунга журъат қилганлар эса халқ душмани сифатида жазоланарди. Ҳаёт ҳақиқати шўро давридаги ёзилган манбаларга қараганда мутлақо бошқача эди.

Ўзбекистонда халқ оммасининг моддий аҳволи ўша кезларда собиқ Иттифок марказига, Украина ва Белоруссияга нисбатан ёмон бўлса бўлганки, яхши бўлмаган. И.Сталин «буюк бурилиш йили» деб эълон қилган 1929-йилда бутун мамлакатда барча озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларига карточка тизими тартиби жорий қилинган эди. Ўша даврда ишчиларнинг аҳволига баҳо бериш учун шу нарсани

таъкидлаш керакки, ГПУ ходимларининг 1929 йилдаги берган маълумотларига қараганда, ишчиларга бир кунда 600 грамм, оила аъзоларига эса 300 граммдан нон берилган. Уларга бериладиган бир ойлик ўсимлик мойи 200 граммдан бир литргача, 1 кг шакар ва ҳоказони ташкил этган¹. Бундан кейин аҳвол янада ёмонлашиб борган. 1931-1933 йилларда мамлакатда ёппасига очлик ҳукм суради. Биргина Украинанинг ўзида 1932 йилда 4 миллион одам очликдан вафот этган эди. Аслида бу даврдаги очарчилик 1921-1922 йиллардаги очарчиликдан ҳам даҳшатлироқ эди. Аммо очарчилик ҳақида оғиз очиш «халқлар дохийси» фикрича, кечирилмайдиган мудҳиш жиноят ҳисобланган. Ҳолбуки, 1921 йилда совет ҳукумати очарчиликка қарши ёрдам сўраб жаҳон жамоатчилиги, Ғарб давлатларига мурожаат этди. 1930-йилларнинг бошларида эса мамлакатдаги очарчилик тўғрисида гапириш, унинг олдини олиш тадбирлари ҳақида ўйлаш ўрнига мамлакатдаги аҳволни «кўз-кўз» қилиб кўрсатиш учун чет мамлакатларга ғалла экспорт қилинди. Ғалла экспорти 1928-йилда 1 миллион центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1929 йилда - 13 миллион, 1930-йилда - 48,3 миллион, 1931 йилда - 51,8 миллион ва 1932 йилда 18,1 миллион центнерни ташкил этди.

Совет Россиясининг ўзида аҳвол шу даражада оғир кечган бир пайтда шўроларни тан олмасдан унга қарши кўлига қурол олиб 1930-йилларнинг ўрталаригача қон кечиб кураш олиб борган Ўзбекистондаги вазиятни аянчли эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. 1931-1933 йиллардаги очарчилик Ўзбекистонда айниқса даҳшатли кечди. Айрим маълумотларга қараганда бу очлик мамлакатда бир миллиондан ортиқ ватандошларимизнинг ёстигини қуритган. Ражаб Исломбек ўзининг «Тревожные времена» («Таҳликали замонлар») асарида қайд этишича, очлик ўлкамизда ҳаддан ташқари даҳшатли кечган, ҳар қадамда очликдан, бошпанасиз - уйсизликдан юзлаб одамларнинг мурдалари ариқлар ичида, йўл четларида чўзилиб ётарди, дарёлар ва ариқларда одамларнинг жасадлари беҳисоб оқиб келарди². Бу очлик фожиаси совет ҳукумати томонидан уюштирилган адолатсиз сиёсатнинг натижаси эди. Совет ҳукумати ва большевистик партия СССР пахта мустақиллиги учун кураш баҳонасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини фақат бир ёқлама - пахтачилик бўйича ривожлантирди, инсоният ҳаёт тарзининг биринчи ва асосий зарур шarti бўлган дон маҳсулотлари ва озиқ-овқат билан таъминлаш тўғрисида онгли суръатда бош қотирмади, ҳатто давлат бюджети бўйича республикага қонуний тегишли бўлган маблағ ва ресурсларни ҳам етказиб бермади. Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги доимий Мухтор вакили Саъдулла Турсунхўжаевнинг 1931 йил 21ноябрда СССР Молия Халқ Комиссари Г.Ф.Гринкога 280/с-сонли йўллаган хатида қайд этишига қараганда, IV кварталда Ўзбекистон ССРга тегишли бўлган ва солиқ оборотидан тушадиган 40,4 миллион сўмни СССР Шўролар Халқ Комиссариати ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда 4,8 миллион сўмга қисқартирди ва уни 35,6 миллион сўм ҳажмида белгилади. Бу ҳам етмагандек Иттифоқ бюджети ҳисобидан қопланиши лозим бўлган 2.012 миллион сўмлик маблағни республика ўз бюджети ҳисобидан тўлашига тўғри келди. 2.012 миллион сўм куйидаги мақсадларда сарфланди: 1. «Босмачилик» билан кураш мақсадида Ўрта Осиё Ҳарбий округи, ГПУ, Миршаблар Бош Бошқармаси ва бошқалар ҳаражатига - 790 минг сўм. 2. Ҳарбий ҳаражатлар, аҳолини ҳарбий хизматга чақириш билан боғиқ ҳаражатлар, Тошкент аэропортини куриш кабиларга - 875

¹ O'zbekiston SSR tarixi. To'rt jiddlik. Uchinchi jild. /Bosh muharrir I.M.Mo'minov/. – T.: Fan, 1971. – 567-570, 639-641-betlar.

² Раджаб Исломбек. Тревожные времена. – М: Промо-Медиа, 1995. – С.64-75.

минг сўм. 3. Қулоқларни тугатиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳаражатлар - 347 минг сўм³.

Булардан ташқари Марказда масъул давлат лавозимида ўтирганлар А.Микоян, Лобачев, Яковлев, Повлуновский, Чернов, Хлопьянкин, Куликов ва бошқаларнинг онгли равишда тўсқинликлари туфайли республикага тегишли бўлган дон маҳсулотлари етказиб берилмади. Чунончи, 1931-1932 йилларга белгиланган фонд ҳисобидан Ўрта Осиёга ноябр ойида 186 минг тонна ва декабр ойида 186 минг тонна дон етказиб берилиши керак эди. Амалда бу режа 1 ноябрда 30 фоизга бажарилган. Бу ишларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб ўлкада умуммиллий очлик, қашшоқликнинг оммавий тус олишига сабаб бўлди. Очлик, қашшоқлик эса турли хилдаги хавфли ва юқумли касалликлами келтириб чиқарди. Саъдулла Турсунхўжаев 1932-йилда СССР ХК Шўроси раисининг ўринбосари Я.Э.Рудзутака ёзган хатида республиканинг 32 туманида малярия касаллиги кенг тарқалганлиги, аҳолининг 30-60 фоизи бу касалликка чалинганлиги ва мазкур касалликдан 5-13 фоиз аҳоли нобуд боиаётганлигини хабар қилиб, зудлик билан зарур чоралар кўришни сўраган эди⁴.

Мамлакатда юритилган адолатсиз ижтимоий-иқтисодий ва миллий мустамлакачилик сиёсати совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан бошлаб республикада ўғирлик, порахўрлик, чайқовчилик, ахлоқий нопоклик ва жиноятчиликнинг бошқа кўринишларини кенг кўламда ривожланишига сабаб бўлди. Айниқса бу ҳол очарчилик авжига чиққан 1930-йилларнинг бошида ва иккинчи жаҳон уруши арафасида 1930- йилларнинг иккинчи ярмида ғоятда кучли тус олди.

1932 йил 24-августда Тошкент шаҳар молия ходимлари томонидан тўсатдан амалга оширилган текширув натижасида халқ ризқини яримта қилувчи 551 та жиноятчи қўлга олинди. Фақат дон маҳсулотларининг ўзидан бир кунда 33.917 кг ўғирланганлиги аниқланади. Ўзбексавдо магазини мудирини Макаров ва унинг ёрдамчиси Карпов доимий суръатда Мануфактура моллари, ёғ, нон, шакар ва бошқа маҳсулотларни ноқонуний йўллар билан пуллаб, 18 минг сўмлик даромадни ўзлаштирганлари аниқланди⁵.

1933 йил 25-июлдан то 25 августга қадар дон ва дон маҳсулотларини ўғирлаб олди-сотди ишлари билан шуғулланган 1001 жиноятчи қўлга олинди жазоланган ва 15.256 кг дон маҳсулотлари давлат фойдасига ўтказилган. Давлат ва халқ бойлигига кўз олайтириш, ўғирлик ва чайқовчилик каби иллатлар иккинчи жаҳон уруши арафасида янада кучайди. Жумладан, 1940-йил давомида Термиз дон маҳсулотлари базасидан база бошлиғи Путилин 50,8 тонна донни ўзлаштирган. Шу йили Хоразм вилоятида 18 киши қамоққа олинган. Дон маҳсулотлари омборхонасининг бошлиғи Баранников, қабул бўйича масъуллар: Эдуардов, Жуков, Дударев, Грачевлар бошчилигида давлат омборидаги 175 тонна ун ўғирланиб чайқов нархида пулланган.

³Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон советмустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.373.

⁴Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон советмустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.374.

⁵Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон советмустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.374.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, 1930-йилларнинг охири ва 40- йилларнинг бошларида республикада озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш 1924-1928-йиллардагига қараганда 10-15 фоиз камайган⁶.

Совет ҳокимияти йилларида матбуотда чоп этилган адабиётларда 1929-1940-йилларда ишчи ва хизматчиларнинг ойликлари республикада ўртача 10,2 фоизга ошганлиги қайд этилади⁷. 1940-йилда уларнинг ойлик маоши 29,7 сўмни ташкил этган⁸. Республика аҳолиси ночор ва камбағал яшаганлиги учун ҳам Ўзбекистонда аҳоли жон бошига товар обороти қиймати 1940-йилда 701 сўмга тенг бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич Иттифокда ўртача 912 сўмни, РСФСРда - 877, Украинада - 1013 ва Белоруссияда - 1592 сўмни ташкил этган⁹.

Ўзбекистонда халқ оммаси иқтисодий турмуш шароитининг 1920-30-йиллардаги аҳволига баҳо беришда Германияда яшаётган ватандошимиз Хусайн Икромнинг қуйидаги сўзлари ғоятда қимматлидир: «...Биласизки, 1920-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошлари мамлакатда кооперативлаштириш, мажбурий коллективлаштириш ҳаракати бошланди. Бунинг оқибати ўлароқ хусусий мулкчилик битирилди, ҳамма нарса давлат мулкига айлантирилди. Хусусий ишлаб чиқариш тугатилди, косиб-хунармандлар давлат учун ишлайдиган бўлдилар. Хусусий, яъни эркин савдо ман этилди, савдо-сотик ҳукумат идораси ва назорати остига ўтди. Ўзаро рақобатга тўсиқ қўйилди. Маълумки, рақобат бўлмаган ерда янгилик яратиш ҳам, сифат учун курашиш ҳам бўлмайди. Мажбурий режалар, шартномалар, мажбуриятлар асосида иш юритиладиган бўлди. Қисқаси, хусусий хўжалик битирилиб, «халқ хўжалиги» деб аталган давлат тизими ўматилди. Барча соҳа ва тармоқлар марказдан - Москвадан идора этиладиган бўлди. Мана шу усулда иқтисодий тараққиёт кенг қулоқ ёймади. Юқорида қайд этганларимизнинг дастлабки оқибати ўлароқ мамлакатимизга, халқимизнинг бошига очарчилик балоси келди, келди эмас, келтирдилар. Миллионлаб юртдошларимиз ўлишди, бу заминда ҳатто ит-мушуклар кўринмайдиган бўлиб қолди...»¹⁰.

Оч-ночорликдан ўлиб кетган минглаб оилаларнинг фарзандлари етим қолди. Уларнинг маълум бир қисми болалар уйларига жойлаштирилди. Болалар уйларининг миқдори эса ошди. 30-йилларнинг охирига келганда республикадаги жами 150 болалар уйларида 16310 бола бор эди, уларнинг 49 % ўзбеклар, 22,7 % руслар, 15,2 % қozoқлар, 3,1 % татарлар, 2,6 % маҳаллий яҳудийлар ва 0,5% уйғурлар дан иборат эди.

1930-йилларда Ўзбекистонда сунъий вужудга келтирилган очарчиликнинг бош сабабчиси совет ҳукумати ва большевистик партиянинг адолатсиз сиёсати бўлди. Ана шу сиёсатнинг таркибий қисми солиқ сиёсати эди. Республикада амалга оширилган қулоқларни синф сифатида тугатиш асосида авж олиб кетган жамоалаштириш йилларида адолатсиз ва нотекис солиқ сиёсати қўлланилди. Бундай сиёсат оқибатида деҳқонларнинг турли хил ижтимоий гуруҳларига солинадиган солиқлар миқдори ўртасидаги фарқ астрономик миқдорга етган эди. Жумладан, ҳар бир хонадонга ҳисоблаганда жамоа хўжалиги аъзосига нисбатан яқка хўжалик хонадони

⁶ Rajabova R.Yo. va boshqalar. O'zbekiston tarixi. (1917-1993 yy.). /Ilmiy muharrir O'zFAA A.Asqarov/. -T.: O'qituvchi, 1994, 199-bet.

⁷ Закономерности роста уровня жизни населения в условиях некапиталистического развития. -Т.: Фан, 1976, 75-бет.

⁸ Народное хозяйство СССР за 70 лет. – М.: Финансы и статистика, 1987. 434-бет.

⁹ Народное хозяйство СССР за 70 лет. – М.: Финансы и статистика, 1987, 458-бет.

¹⁰ Islom Usmon, Alixon Shermat. Hijron. – Т.: Mehnat, 1993, 24-bet.

10 марта, кулоқ хўжалиги эса 140 марта кўп миқдорда солиқ тўлаган. Кулоқ хонадонига тушадиган солиқлар 1929-1930-йилларга нисбатан 1931-йилда 2,2 баравар ошди. Натижада мамлакат аҳолисини озиқ-овқат ва хом ашё маҳсулотлари билан муттасил таъминлаб келган қишлоқ меҳнаткашларининг катта қисми кулоқ сифатида тугатилган бўлса, яна бир бошқа қисми кулоқ бўлишдан сақланиб қолиш учун умуман хўжалик ишлари билан шуғулланмай кўйди. Ўзбекистоннинг миллий даромади 1937- йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1932-йил даражасида қолаверди. Аҳолининг ўсиш суръатлари пасайди, республика аҳолиси асосан кўчириб келтирилган миллатлар ҳисобидан кўпайди. 1926-1937-йилларда республика аҳолиси 37 фоиз ўсгани ҳолда Европа миллатига мансуб аҳоли 62 фоизга ошди. Ойлик маошлар Европа миллатига мансуб аҳоли меҳнат қиладиган саноат тармоқларида ўсди, холос¹¹. Бу мисоллар нафақат қишлоқ ҳаётининг қашшоқлашганлиги, айти пайтда шаҳар аҳолисининг ҳам моддий ҳаётининг ночорлашганлигини кўрсатади. Оқибатда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда советларга қарши очикдан-очик қуролли чиқишлар бўлди. Марказий ҳукуматнинг расмий маълумотномаларида Ўрта Осиё ҳудудида 1930-йил март ойининг бошларида 17400 киши қатнашган 45 та шундай чиқишлар содир бўлганлиги қайд этилган. Хуллас 1917-йил октябрь ҳарбий тўнтариши натижасида зўрлик билан ўрнатилган тизим халқ оммасининг нафақат сиёсий ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилди, балки иқтисодий жиҳатдан бутун бошли қашшоқлар жамиятини вужудга келтирди.

Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди. Ўзбекистон киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифокдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст бўлган.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифок даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси жиҳатидан, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифокдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турган.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўrsa бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаган.

¹¹ Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.378.

Республика иктисодиёти бир ёқлама тарзда, фақат хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганини қайд этишга тўғри келади. Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши бор-йўғи 50 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроғи мутлақо қайта ишланмасдан республика ташқарисига чиқарилмоқда. Республикадан олиб кетилаётган маҳсулотнинг учдан икки қисми хом ашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотлар эканлигининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликлардан дарак беради.

Республикага келтирилаётган товарларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озик-овкат саноати маҳсулотларидир¹². Республика жуда қимматли хом ашё – пахта, нитрон, капролактама ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги саёзлик, технология занжири ниҳоясига етказилмаганлиги оқибатида айни шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллик остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. O‘zbekiston SSR tarixi. To‘rt jiddlik. Uchinchi jild. /Bosh moharrir I.M.Mo‘minov/ . – T.: Fan, 1971. – 567-570, 639-641-betlar.
3. Раджаб Ислонбек. Тревожные времена. – М: Промо-Медиа, 1995. – С.64-75.
4. Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон советмустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.373.
5. Rajabova R.Yo. va boshqalar. O'zbekiston tarixi. (1917-1993 уу.). /Ilmiy muharrir O‘zFAA A.Asqarov/. -T.: O‘qituvchi, 1994, 199-bet.
6. Закономерности роста уровня жизни населения в условиях некапиталистического развития. -Т.: Фан, 1976, 75-бет.
7. Народное хозяйство СССР за 70 лет. – М.: Финансы и статистика, 1987. 434-бет.
8. Народное хозяйство СССР за 70 лет. – М.: Финансы и статистика, 1987, 458-бет.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллик остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.